

ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 15-aprel • Shanba • 44 (27.536) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan



«ПРЕЗИДЕНТ — МУСТАҚИЛЛИК — КУРАШ!»



Қашқадарё вилоятининг Муборак тумани марказидаги Бахром Вафоев номи ўйингоҳда уюштирилган кураш турнири ана шундай шир остида ўтди. Ўйингоҳ пештоқидаги бу сўзлар ҳар бир томошабин кўнглида акс-садо берди. Мусобақа сўнггида ғолибларни тақдирлаш маросимида вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев ва Ўзбекистон Кураш федерацияси президенти Абдулла Орипов ёши олтимшдан ошиб саксондан саксонга 30 нафар фахрий полвонга зар тўнларни кийгизишга, бутун давра «Президент — Мустақиллик — Кураш!» сўзларини жўр бўлиб такрорлашди. Уларга томошабинлар кўшилишиди.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида Абдулла Орипов миллий қадриятимиз — курашнинг мустақиллик шарофати, Президентимизнинг бевосита қўллаб-қувватлаши туфайли дунёга чиққани, бугун жаҳоннинг саксонга яқин мамлакатда кураш федерациялари борлиги, улғу бобомиз Амир Темур хотирасига бағишланган мазкур мусобақанинг аҳамияти ҳақида гапирганида бутун стадион гулдурас қарсақлар билан унинг сўзларини олқишлади.

Мусобақалар кескин ўтди. Қатор номдор полвонларга ёшлар муноси рақиб бўлди. Кураш ишқибозлари турнир бош мукотиби — Президент соврини — «Нексия» автомашинасини қўлга киритиш учун Муборакка юртимизнинг энг доғруғли полвонлари ташриф буюрганлигининг гувоҳи бўлдилар. Улар орасида кураш бўйича жаҳон чемпионлари сурхондарёлик Абдулла Тангриев, Давлат Чориев, қатор халқаро турнирлар ғолиб ва совриндорлари сарқандлик Уткир Саломов, қашқадарёлик Нурилла Абдуллаевларнинг беллашганиги бахсларнинг нечоғли шиддатли ва мурасасиз кечганилигини кўрсатиб турибди.



4-бет

Жамоат ташкилотлари фуқаролик жамиятининг асосий институтларидир

Мамлакатимизда кейинги йилларда табаррук отахону онахонларга иззат-икром, эътибор ва раҳмюрлик кўрсатишга жиддий эътибор қаратилиб келинмоқда. Нурунийларимизни қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, кексалардаги ҳаётлари гаушли ўтиши йўлида қийғуриш устувор вазифалардан бирига айланди.

Хўш, бу борадаги ишлар бугун — мустақиллигимизнинг ўн бешинчи йилида қандай босқичга кўтарилди? Нурунийларимизни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида яна нималарни амалга оширишимиз лозим? Биз Халқ демократик партиясининг ижтимоий шерикларидан бири бўлган Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармаси Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Эркин БОҚИБОВ билан шулар ҳақида суҳбатлашдик.

КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ — ШАРАФ

— Шарқда, хусусан, кўнча Туронда кекса авлоднинг иззат-икромини ўрнига қўйиш азалий урф ҳисобланади, — дея сўз бошлади у. — Бой маънавиятимизга хос бундай қадрият ҳануз давом этиб келаётганидан фахрлансақ аризибди. «Отанг ўтирган унинг

кексалар саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, уларнинг узоқ умр кўришларига замин яратишда ижтимоий ҳумоя масаласи биринчи ўринга қўйилмоқда.

2-бет

ХДП ҳаёти

ЎзХДП Марказий Кенгашида

ЎзХДП МК Ижроия қўмитасининг Хайъати Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қароридан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон

ХДП Марказий Кенгаши IV пленумининг мафқуравий ишлар бўйича қарорларини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Ийгилишида 2006 йилда партия электорати орасида мафқуравий, маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларини кенг миқёсда олиб бориш учун маҳаллий партия кен-

гашларига тавсия этиладиган мукамал тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳақида қарор қабул қилинди. Ушбу режа партиянинг тегишли ташкилотлари иш шариолатларини ҳисобга олган ҳолда, Қорақалпоғистон республика, вилоят ва Тошкент шаҳар (апрель), туман ва шаҳар (май) партия кенгашлари пленумларида кўриб чиқиш учун, тақлиф этилади.

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

2006 йил 11 апрель куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Дастлаб депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар ҳақидаги масалани муҳокама қилдилар. Фракция раиси Аслиддин Рустамов сўзга чиқиб, мазкур қарорнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳамда уни ҳаётга татбиқ этиш, жойлардаги ижтимоий таъминлашда депутатларнинг, хусусан, ЎзХДП фракциясининг вазифалари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди.

Депутатлар Насимқул Каримов, Муҳаббатхон Абдуллаева, Мажидхон Усмоновлар ҳам бу борадаги ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Фракция аъзолари аҳоли ўртасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзга-

ришлар моҳиятини тушунтириш, миллий манфаатларимизга қарши қаратилган турли инфор-мацион хуружларга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил қилишда фаол иштирок этиш масалалари тўғрисида фикрлашиб олдилар.

Маълумки, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳужжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида қатор фармон ва қарорлари эълон қилинган эди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этишнинг қонуний асосларини яратиш мақсадида «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ҳамда молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасининг айрим

конун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси муҳокама-масига киритилган. Мазкур қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг 38 та қонун ҳужжати (32 та қонун, 5 та кодекс, 1 та Олий Мажлис қарори билан тасдиқланган Низом) га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Йиғилишда ушбу лойиҳа ҳам муҳокама этилди. Мазкур масала юзасидан депутатлар Анатолий Козлов, Улғубек Вафоев, Илхом Аҳмедов, Фариддин Ражабовлар тушунтириш бердилар. Айтиш жоизки, ушбу қонуннинг асосий мақсади тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш, иқтисодий соҳани эркинлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришдан иборат.

Йиғилишда кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи назари белгилаб олинди.

(Ўз мухбиримиз)

ЎзХДП:

воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қанотининг Хоразм вилояти, туман ва шаҳар бўлиmlлари раҳбарлари ва фаоллари учун илмий-амалий семинар ўтказилди.

Хонқа санат касб-хунар коллежида бўлиб ўтган семинарни «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси С.Исмоилов олиб борди.

Семинар қатнашчилари ёшларни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаоллаштириш йўллари, ёшларга тегишли масала ва муаммолар бўйича мониторинг ўтказиш, мониторинг юритиш бўйича ҳисоботлар ёзиш ва оммалаштириш, ёшлар масалалари бўйича дастур, лойиҳа ва иш режалари тузиш юзасидан билим ва маълумотларга эга бўлишди.

Ушбу амалий семинарни ўтказишдан бош мақсад «Истиқбол» ёшлар қанотининг жойлардаги раҳбар ва фаолларига ёшлар билан ишлаш бўйича кундалик фаолиятларида керак бўладиган билим ва маълумотлар беришдир. Семинар кенгаш ниҳоясида партияимизга хайрихоҳ ёшлар Ўзбекистон ХДП аъзолигига қабул қилинди.

Жақабоб туман кенгаши Ўзбекистон ХДПдан халқ депутатлари Кенгашларига сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари раислари ва фуқаролар йиғинлари раисларининг ўқув семинарини ташкил этди. Семинарда туман Кенгаши депутатлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ўртасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида биргаликда саъй-ҳаракатлар олиб бориш каби масалалар асосий ўрин эгаллади.

Шу тумандаги Чайдари фуқаролар йиғини, Ҳамза ва Қори Ниёзий номи мактабларида Ўзбекистон ХДП фаолиятига бағишланган тадбирлар уюштирилди. Туман партия кенгаши раиси Н.Жуманов йиғилганларга партияимизнинг аёллар ва ёшлар қанотлари ташкил топиши, мақсад ва вазифалари, хотин-қизлар ва ёшларнинг жамиятдаги ролини ошириш мақсадида олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

АВИАСОЗЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Самолётсозлик соҳасининг йирик корхонаси бўлиши Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси Марказий Осиеда ягона ҳисобланади. Яқинда ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши мазкур бирлашма билан ҳамкорликда «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган устувор вазифалар» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Учқун Шойимқулов йиғилганларга ЎзХДП Марказий Кенгашининг IV пленумида кўриб чиқилган масалалар, Тошкент шаҳрида партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказишнинг босиши тўғрисида сўзлаб берди. Шундан сўнг Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси акциядорлик жамияти бош директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Вадим Кучеров сўзга чиқиб, шундай деди:

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг V курултойи партия ҳаёти ва фаолиятида катта бурилиш ясади.

Чунки ўтган йили биз ўз камчилиги, ҳаттоларимизни очик-ойдин тан олдик ва мамлакат сиёсий қучларининг орасида ўзимизни сўл қанот, деб эълон қилдик. Биз партия фаоллари электоратимиз ҳисобланган ҳар бир инсоннинг ҳаёти, унинг муаммолари, ютуқлари билан қизиқишимиз, керак бўлса, улар билан алоҳида-алоҳида ишлашимиз лозим. Шундагина Ўзбекистон Халқ демократик партияси янада кўпроқ тарафдорларни йиғди. Кейинги сайловларда бизни қўллаб-қувватловчилар кўпаяди. Бунинг учун эса ҳозирдан катта шижоат билан ишлашимиз керак.

— Мен бугун Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси бўлдим. — дейди Шаҳноза Тўхтаева. — Унга аъзо бўлишимга сабаб шуки, меннинг манфаатларимни фақатгина шу партия ҳумоя қила олишига ишонч турилди.

Маъмуржон МАХМУД, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ Марказий Сайлов Комиссиясида

14 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси Мирзаулғубек Абдусаломов олиб борди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳузуридаги Илмий-методик кенгаш тўғрисидаги низом лойиҳаси ва Комиссия аъзоларининг навбатдаги вазифалари ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди. Марказий сайлов комиссияси ҳузуридаги Илмий-методик кенгаш сайлов тизимини, сайлов ва референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ривожлантириш, сайлов ва референдум ўтказиш бўйича комиссияларга илмий-методик ёрдам кўрсатиш каби долзарб масалаларни ҳал қилиш мақсадида тузиладиган жамоатчилик асосида ишловчи орган ҳисобланади.

Сайлов технологияларини ривожлантириш, сайлов жараёнининг илмий, қонунийлик, ахборот-тушунтириш, аналитик, ташкилий ва технология негизларини такомиллаштириш кенгашининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Марказий сайлов комиссияси

мамлакатимизда ҳозирги пайтда тайёргарлик кўрилатган ўзини ўзи бошқариш органи, маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловни ўтказиш борасида маҳаллий Кенгашларга методик ёрдам кўрсатиш, шу масала юзасидан маҳаллий оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, ўтказиладиган семинар ва анжуманларда оқсоқоллар сайлови қонун-қоидалари бўйича маърузалар қилиш, шунингдек сайлов ташкилотчиларининг малакасини ошириш, хорижий давлатларнинг сайлов ўтказиш борасида тўпланган тажрибасини ўрганиш каби вазифаларни амалга ошириш белгиланди.

Мажлисида ташкилий масала кўриб чиқилди. Қашқадарё вилояти жиноят ишлари бўйича суди раиси бўлиб ишлаб келган Кўчқор Тоғаев Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари этиб сайланди.

(ЎзА)

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI — MUVOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, fax: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Fax: 133-20-74
WWW.tshmbn.uz E-mail: info@tshmbn.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасининг барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

Деҳқон бозорларидаги нарх-наволар ҳақида Халқ демократик партияси фаоллари томонидан жамоатчилик кузатуви асосида тайёрланган МАЪЛУМОТ

(2006 йилнинг апрель ҳолатига)

№	Минтақалар номи	Мол гўшти	Кўй гўшти	Тухум	Картошка	Паёз	Сабзи	Гуруч	Шакар
1.	Андижон шаҳар деҳқон бозори	2800-3000	3500-4000	80-100	500-600	150-200	75-100	800-1000	1100-1200
2.	Бухоро шаҳар деҳқон бозори	2700-2750	2700-2800	85-95	500-550	250-280	140-170	820-880	1100-1150
3.	Жиззах шаҳар деҳқон бозори	2800-3000	3200-3500	90-100	650-700	250-300	200	800-1000	1200
4.	Навоий шаҳар деҳқон бозори	2400-2750	2400-2900	80-90	550-600	250-300	25	800-900	1100-1200
5.	Наманган шаҳар деҳқон бозори	2800-2850	3400-3500	90-110	450-500	150-200	100-120	900-1000	1200-1300
6.	Самарқанд шаҳар деҳқон бозори	2700-2800	3100-3200	75-80	500-550	180-200	20	800-900	1000-1100
7.	Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар деҳқон бозори	3000	3200-3500	65-80	350-550	200-250	100-175	800-1000	1050-1150
8.	Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар деҳқон бозори	2800-3000	3500-3600	85-100	600-650	250-300	75-100	900-1000	1200-1400
9.	Тошкент вилояти Юнусов тумани деҳқон бозори	3200-3400	3700-4000	100-110	600-650	250-300	250-300	900-1200	1100-1200
10.	Тошкент вилояти Анжен шаҳар деҳқон бозори	2900-3000	3200-3300	90-100	450-500	230-250	150-180	750-800	1000-1100
11.	Фарғона шаҳар деҳқон бозори	3000	3800	65-70	650-700	250	150	1000-1300	1000-1300
12.	Хоразм вилояти Урганч шаҳар деҳқон бозори	2500-2700	2800-3000	80-90	550-600	200-250	100-125	700-800	1000-1200
13.	Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар деҳқон бозори	2700-2800	3200-3200	70-75	550-650	230-250	150-200	850-900	1100-1200
14.	Қорақалъа Республикаси Нукус шаҳар деҳқон бозори	2600-2800	2700-2900	80	600-650	200-250	150-200	500-700	1200

Изоҳ: * — Олдинги ойга нисбатан барча ҳудудларда тухумнинг нархи пасайган.
** — Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида гўштининг нархи 100 сўмдан 200 сўмгача кўтарилган.
*** — Аксарият ҳудудларда картошканинг нархи 50 сўмдан 100 сўмгача ошган, қолган бошқа маҳсулотлар нархида эса ўзгариш кам.
Ўзбекистон ХДП МК Аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими

Ҳақ-ҳуқуқингизни биласизми?

Бугун инсоният ҳаётига ОИТС, терроризм каби турли офатлар таҳдид солиб турибди. Улар қаторида «Одам савдоси» (траффика) ҳам жамиятнинг оғриқ нуқтасига айланиб бораётгани сир эмас. «Одам савдоси» айрим фуқароларнинг ҳуқуқий-маънавий дунёкараши савзелиги, енгил-ўнги пул топшига ўчлиги оқибатида содир этилади.

Аёлни дунёни тебратишга қодир эрт, деб қадраймиз. Опа-сингилларимизни ор-номусимиз, шаънимиз, дея асраб-авайлаймиз. Эрак бошининг сарбаландлиги жуфти-халонининг шаъни билан ўлчанади. Аммо Истам Сафоевнинг қилмишлари қараб ёқа ўшлайсиз. У зоҳиран тушунган, оғир-босиқ, кўй оғзиндан чўп олмаган кишидек кўринади. Аммо ботиний дунёси тубан, тафаккури лоқ-аланган. Йўқса, ўз миллатдоши, юртдошларини сотмадими?

Унинг хорижа ишга юбориш бўйича антиқа «сенарийси» неча-неча қизларнинг келинлик бахтига, ўлаб аёлларнинг оила деб аталмиш муқддас кўрғонларига ўт қўйган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Она-бола Насиба ва Нодиралар ҳам улар қаторида номуссизлик қурбонига айланмишга бир баҳя қолди.

Дўстининг уйида меҳмондорчиликда ўтирган Истам меҳмоннинг (исмлари ўзгаририлди) ва манзилни кўрсатишни лозим топмадики онаси ва синглисини кўриб, хаёли бузилди.
— Келинчилик Дубайда. Рес-торанда ишлайди, — мақтанчи кўйди Истам.

— Катта маош олсалар керак-а? — Унақа ойликни фақат орзу қилиш мумкин. Фирибгар гапи сўхбатдошларига қандай таъсир этаётганини зиндан кузатди.

— Энди... чет давлатга бориб ишга жойлашининг ўзи бўлмайди-да, — деярган аёл мақсудини ўйга толди: «Қани эди имконият бўлганида, мен ҳам кетардим».

тубан бир шахс бехеъа «иш»га рўбарў қилаётган эди.

Мамлакатимиз ҳар бир фуқароси хорижда ишлаши, ўқиши, дам олиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатлаб қўйилган. Аммо бу ҳуқуқларни баъзи бировлар суистеъмол қилаётгани нафақат ачинарли, балки ташвишли ҳамдир. Чунки хали-ҳануз қонунлар моҳиятини англолмайётган,

етишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига биноан Вазирлар Маҳкамасининг ўша йили 23 декабрдаги «Бухоро шаҳрида фуқароларнинг чет элга ишга жойлаштириш бўйича бўлаётган ҳисобидagi минтақавий бюро ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Лекин хали ҳам фуқароларимиз меҳнат миғрацияси бюроси ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмаслар.

Шунингдек, воситачи ёки қоронадан уларнинг хорижга ишчи ёллаш ҳуқуқи (кетиётган давлатнинг Меҳнат вазирлиги томонидан берилган лицензия бўлиши шарт) бор-йўқлигини аниқлаб, шундан сўнггина меҳнат шартномаси тузилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Хорижга чиқиш учун иш визаси чет мамлакат элчихонасида индивидуал равишда паспорт кўрсатилиши билан расмийлаштирилади. Уларнинг бошқа турлари иш фаолиятини ёритишга ҳуқуқ бермайди. Хорижда ишлаш учун ҳуқуқни гувоҳловчи паспорт ва ҳужжатларнинг асл нусхаси доимо фуқаронинг ўз қўлида бўлгани маъқул. Борган жойда тиббий сўғурта расмийлаштирилиши керак. Шундан қарим хар хил касбага алоқадор хавфлардан химоя қилинган бўлади. Чет-га чиқиш кетишдан олдин борадиган мамлакатдаги Ўзбекистон элчихонаси, халқаро меҳнат ташкилоти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва бошқа ташкилотларнинг телефон рақамларини, албатта, билиб олиш зарур. Шундангина, оқорида айтиб ўтганимиздек, ноҳуш ҳолатларга тушиб, фирибгарларнинг ёлғонига алданиб қолмайсиз.

Анвар ИШОНҚУЛОВ, Бухоро вилояти прокурорининг халқаро ҳуқуқий масалалар бўйича катта ёрдамчиси. Моҳира ШАКАРОВА, журналист

Алданиб қолган ёмон

Ёки хорижга ишга бораман деб бахтсизликка, фалокатга йўлиқаётганлар ҳақида

— Хоҳласангиз ёрдамлашим мумкин, — деди Истам Сафоев онанинг кўнглидан кечган ўйни фаҳмлаб. — Виза, йўл харажатларидан ташвишланманг. Хаммасига мана мен ёрдам бераман. Масаланинг қонуний, ҳуқуқий томонларини ўйламай, бирорта ҳуқуқий саводхон одамдан маслаҳат сўрамай Насиба опа гўлгунчадек қизи Нодира ҳамроҳлигида Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрига кетишга тараддул кўра бошлади.

Ўз навбатида «ҳомий» оёғи олти, қадами етти бўлиб ҳужжатларга виза муҳрларини қалбакилаштириш «иш»га киришиб кетди. Бироқ, унинг кўнгли йўлига ҳуқуқ-тартибот идоралари вақтида нукта қўйишди. Йўқса, «Меҳнатнинг айби йўқ, Қора иш бўлса ҳам майли» деб ўйланган аёлни

қонуний йўл қолиб, алдамчилар тузоғига ўлжа бўлаётган ҳамюртларимиз кўнгли тоғилди.

Яқинда Ўзбекистон республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда республика Хотин-қизлар кўмитаси, «Истиқболли авлод» нодавлат ташкилоти ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида ўтказилган «Инсонлар савдосига қарши кураш» мавзудаги конференцияда ҳам одамларни, айниқса, аёллар ва болаларни зўрлаш ҳамда мажбурий меҳнат шаклларида эксплуатация қилиш мақсадига чет давлатларга олиб чиқиш ҳажмининг кескин ўсаяётганини ташвиш билан таъкидланди. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрда «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил

Улар миллионлаб пулларини соғиритиб, байиққонуний йўл билан чет элга чиқишга олишмади. Истам Сафоев каби фирибгарлар «ёрдамчи» четга чиққан кишилар «йўли»ни қилиб ишга ҳам жойлаштириш мумкин. Лекин меҳнат миғрацияси иштроектисиз хорижга бораган юртдошларимиз иш жараёнида меҳнат, сўғурта шартномалари тузишда ёхуд бошқа муаммолар туғилганда қонуний ёрдам ололмайдилар. Қўпчилиги эса ўзга юртларда қўлга айланаётгани сир эмас.

Фуқароларимиз энг аввало воситачи, қорона ва иш тақлифи қилувчи билан барча келишувларни фақат контракт ва меҳнат шартномалари асосида олиб борсаларгина қалтис вазиятга тушмайдилар. Бу ҳужжатлар, албатта, тушунарли тилда бўлиши

нисбатан 25-30% қўшимча сифатли уруғлик етиштириш имконини беради.

Ботаник уруғларидан уруғлик ва истеъмол қилинадиган картошка етиштириш дунёнинг бир қанча мамлакатларида (Хитой, Хиндистон, АҚШ, Россия) кенг қўлланмоқда. Бу усулнинг аф-

ҳосилга кўп касалликлар, жумладан, вирусли касалликлар ўтмайди.

Институт олимларининг кўп йиллик тадқиқотлари натижасида яхши ўсиб ривожланадиган, юқори ҳосил берадиган дургай популяциялар танланиб, улардан уруғбон ва истеъмолбон картош-

«Бардошли-3», «Тўйимли», «Ақраб» ва «Умид» навларини эрта баҳорда экиш мақсадга мувофиқ.

Бу навларнинг вақтида экилиши ҳосилнинг июнь ойида етилишига, бу эса ўз навбатида ёзда янги қовлаб олинган туғанакларни билан ўстирилган картошка-ни стимуляторлар эритмасида ишлаб, қайта экиш учун имкон яратди. Экиш учун вазни 30-80 грамм бўлган туғанаклар танланиб, улар ҳарорати 12-15°C бўлган ёруғ хоналарда, узунлиги 0,5-1,0 см. ўсимталар ҳосил қилгунча тайёрлаш тавсия этилади. Бундай усулда уруғ тайёрлаш тавсия вақтида синмайди, ган, мустаҳкам ўсимталарнинг ҳосил бўлишини, ўз навбатида ҳосилдорлигини ҳам ўртача 18-25 фоиз оширишни таъминлайди.

Фикримизча, мамлакатимизнинг картошка экиш учун қўлай бўлган ҳудудларида элита етиштириладиган ва навдор уруғликларини қўлайтирадиган ҳўжаликларни ташкил қилиш лозим. Масалан, Самарқанд вилояти Тайлик туманида жойлашган Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошканилик илмий-тадқиқот институтининг таъин пункт қоида картошканинг бирламчи уруғчилиги ташкил этилса маъқул иш бўларди. Оммавий уруғчилик ишлари эса махсус ташкил этилган ҳўжалик ёки фер-

мер ҳўжаликларидан олиб борилади. Ташкил этилаётган фермер ҳўжаликларидан уруғчилик билан шуғулланадиганларини аниқлаш лозим. Чунки сифатли уруғлик етиштириш маъсулияти иш бўлиб, махсус малакага эга бўлган мутахассисларни талаб қилади. Шунинг учун ҳам экиннинг дастлабки ва оммавий уруғчилиги билан шуғулланишга ихтисослашган фермер ҳўжаликларини уюшмаларини ташкил этиш, лекин картошка уруғчилигини давлат тасарруфидан саклаб қолиш мақсадга мувофиқ. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, уруғчилик ишларини катта майдонларда ташкил этишнинг илоҳи бўлмаса, махсус фермер ҳўжаликларини ихтисослаштириш орқали амалга ошириш ҳам мумкин.

Мен борадиган мулоҳазаларимни айнан ҳақиқат деб даъво қилмайман. Зеро, ҳақиқат бахсларда туғилган деганларидек, тармок олимлари, мутахассислар бу масаладаги ўз сўзларини айтишлари жоиз деб ўйлайман.

Диаметр АБДУКАРИМОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қиллоқ ҳўжалик ходими, профессор

БМТ — ЭРОН

БМТнинг Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) раҳбари Мухаммад Барадей Эрон ядро ёнглигини ишлаб чиқариш учун урanni бойитга бошлагани ҳақидаги баёноти қанчалик ҳақиқатга яқинлигини аниқлай олмаганини билдирди. У жаҳон ҳамжамияти талабларига биноан Эронни урanni бойитиш фикридан қайтариш ниятида эканлигини ҳам айтиб ўтди.

Россиянинг атом бўйича агентлиги раҳбари Сергей Кириенко фикрига кўра, Эрон эгаллик қилётган центрифугалар урanni саноат ҳажмида бойитиш имконини бермайди.

Сешанба кўни Эрон президенти урanni бойитиш бўйича синов муваффақиятли ўтганини айтиб, мамлакат «ядро клуби»га аъзо бўлганини билдирди. Бу баёнот Россия, АҚШ ва Европа Иттифоқида хавотир уйғотмоқда. Бирок Техрон урanni ядро дастури тинчлик мақсадларида ишлатилишига ишонтиришда давом этмоқда.

Апрель ойи охирида Барадей БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши олдида ҳисобот бериши керак. Айнан шу ҳисобот Эрон ядро дастури борасидаги зиддиятдан чиқиш йўллари билгиланиши мумкин.



ИСРОИЛ



Исроил бош вазири вазирасини бажарувчи Эхуд Ольмертнинг бош вазири лавозимини эгаллади. Кечадан бошлаб Ольмертнинг бош вазири лавозимига тайинланиши ва шу билан бирга собиқ бош вазири Ариэль Шароннинг саломадлиги ёмонлашгани туфайли вазирасидан озод этилганлиги ҳақидаги ҳуқуқат қарори кўчга кирди.

Вазирлар Маҳкамаси бу қарорни сешанба кўни имзолаганди. Бирок у жума кўнундан, яъни Шарон меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганидан 100 кўн ўтгач, кўчга кирди.

Ольмерт бир неча марта Шарон йўлидан кетишини ва фаластинликлар билан бир томонлама ажралиш сиёсатини олиб боришини билдирганди. Хусусан, у янги ҳуқуқат олдида турган муҳим вазифарлардан бири — Иордан дарёси фарбий қирғоқдан ҳўдийлар турар-жойларининг бир қисмини олиб чиқиш, 2010 йилгача бир томонлама доимий чегаралар ўрнатиш эканлигини хабар қилди.

Собиқ бош вазири Шарон эса 4 январь кўни юрак ҳуружидан кейин ҳали ҳам комада ётибди. Шифокорлар унинг ўзига келишига умид қилишмапти.

Кузатувчилар фикрича, 78 ёшли сиёсатчи ва танки генерал Шарон Исроилнинг охириги йиллардаги энг ёрқин сиёсатчиси бўлди.

УКРАИНА



Украинада демократик кўчларнинг парламент коалициясини тузиш ҳақида протокол имзоланди. Унга «Бизнинг Украина», Юлия Тимошенко блоку ва Украина социалистлар партияси вакиллари кўл қўйишди.

Протоколнинг охириги бандига кўра, коалиция ҳақидаги келишув «демократик кўчлар меморандуми лойиҳасига киритилган тамойилларга асосланади». Меморандумда эса қайси сиё-

меморандум Юлия Тимошенкога бош вазирилик курсисига йўл очиб беради. Чунки сайловда энг кўп овоз олган «Регионлар партияси» коалицияга қўшилмади. Эслатиб ўтамиз, қўнда Украинада бўлиб ўтган парламент сайловлари натижаларига кўра «Регионлар партияси» 186та, Юлия Тимошенко блоку 129та, «Бизнинг Украина» 81та, Социалистлар партияси 33та, Коммунистлик партия 21та овозга эга бўлган.

Давлат мулки кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги

«РОУТАХТ AUKSION» давлат унитар қорхонаси

2006 йилнинг 16,19,23,26,30 май ва 2,6,9,13,16,20,23,27,30 июнь ҳамда 4,7,11,14,18,21,25,28 июль кўнлари аукцион савдоларини ўтказад

Савдоларга қуйидаги объектлар қўйилади:

- Юнусов тумани, Ж.Обидова кўчаси, 151-ўйда жойлашган «Sivsoz» трести ДУКнинг «Sivsoz qurilish» шўба қорхонасига қарашли давлат рақами бўлмаган ЭО-3221 «Экскаватор русумли автотранспорт воситаси».
- Бошланғич нархи — 8 000 000 сўм. Сирғали тумани, Содиқ Толипов кўчаси, 1-ўйда жойлашган «O'zbekiston havo yo'lar» Миллий авиакомпаниясининг автотранспорт воситалари:
 - 1992 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10АН 103 бўлган «АЗЛК-2141» русумли а/в.
 - Бошланғич нархи — 860 000 сўм.
 - 1993 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10АЛ 543 бўлган «ГАЗ-31029» русумли а/в.
 - Бошланғич нархи — 1 200 000 сўм.
 - 1989 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10АЛ 763 бўлган «КАВЗ 3270» русумли а/в.
 - Бошланғич нархи — 1 385 834 сўм.
 - 1989 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10АУ 332 бўлган «ГАЗ-6614» «Кунг» русумли а/в.
 - Бошланғич нархи — 2 100 000 сўм.
 - 1989 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10АУ 459 бўлган «ГАЗ-6614» «Кунг» русумли а/в.
 - Бошланғич нархи — 1 800 000 сўм.
 - 1980 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10АУ 285 бўлган «ЗИЛ-131 ПАЛ-5» русумли а/в.

- Бошланғич нархи — 4 200 000 сўм.
- 1992 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10АУ 198 бўлган «ВОЛВО 460GL» русумли а/в.
- Бошланғич нархи — 3 600 000 сўм.
- 1996 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10АХ 114 бўлган «Шкода Фелиция» русумли а/в.
- Бошланғич нархи — 4 000 000 сўм.
- Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 43-ўйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президентини Деволиязе қарашли 1983 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 31-17 ТНЕ бўлган «УРАЛ 67-36» русумли мотоцикл.
- Бошланғич нархи — 45 213 сўм.
- Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридagi закатат пулини «Роутакх Аукцион» ДУК АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайди. Аризалар қабул қилиш ер участкаларига савдолан уч кўн аввал, қолган объектлар учун савдолан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.
- Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» ўйда ўтказилади.
- Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.
- Гувоҳнома №000815

«РОУТАХТ AUKSION» ДУК

2006 йилнинг 17,24,28,31 март кўнлари ўтказилган аукцион савдосида қуйидаги объектлар сотилганлигини маълум қилади:

Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган ер участкаларининг узоқ мuddатли ижара ҳуқуқи:

- Учтепа тумани, Ҳ.Турсунқўлов кўчасида, сатхи 0,015 га. бўлган, савдо рас-таси қуриш учун 2-сонли ер участкаси — 4 550 000 сўмга;
- Чилонзор тумани, С.Юсуфов кўчасида, сатхи 0,018 га. бўлган, савдо ва машиий хизмат кўрсатиш растаси қуриш учун 3-сонли ер участкаси — 2 950 000 сўмга;
- Чилонзор тумани, «Чилонзор» даҳаси, 10-мавзе, Тахтагаул кўчасида, сатхи 0,024 га. бўлган, савдо ва машиий хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун ер участкаси — 4 050 000 сўмга;

- Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, ТАҲИДА, сатхи 0,04 га. бўлган икки қаватли савдо дўкони қуриш учун ер участкаси — 4 340 000 сўмга;
- Юнусов тумани, 18-мавзе, В.Войсоцкий кўчасида, сатхи 0,03 га. бўлган, савдо ва машиий хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун 1-сонли ер участкаси — 5 750 000 сўмга;
- Юнусов тумани, 18-мавзе, В.Войсоцкий кўчасида, сатхи 0,03 га. бўлган, савдо ва машиий хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун 2-сонли ер участкаси — 5 750 000 сўмга;

Автотранспорт воситалари:

- «Chinobod neft bazasi» унитар қорхонасига қарашли д/р 10 АҚ 963 бўлган «ВАЗ-2107» русумли а/в — 855 000 сўмга; д/р АН 425 бўлган «ВАЗ-2121» русумли а/в — 990 000 сўмга; д/р 10АҚ 666 бўлган «УАЗ-2206» русумли а/в — 1 100 000 сўмга;
 - «Давлат белиеси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Тошкент қозғ фабрикасининг д/р 10УЗ 971 бўлган «ГАЗ-31029» русумли а/в — 1 405 000 сўмга;
 - «13-Кўнрақ қуриш отряди»нинг д/р 10АП 543 бўлган «Эсперо» русумли а/в — 2 650 000 сўмга;
 - Яккама-якка кураш бўйича республика Олий спорт маҳорати мактабининг д/р 10АЛ 233 бўлган «Тико» русумли а/в — 1 700 000 сўмга;
 - «Ўзбекнефтсаной» ДАК Ишлар бошқармаси унитар қорхонасининг д/р 10АР 260 бўлган «Нексия» русумли а/в — 3 600 000 сўмга;
 - Ўзбекистон Республикаси Президентини Деволиязе ишлар бошқармасининг д/р 10РР 372 бўлган «ГАЗ-3102» русумли а/в — 2 450 000 сўмга;
 - Ўзбекистон Республикаси Президентини Деволиязе ишлар бошқармасининг д/р 10 РР 279 бўлган «ГАЗ-3102» русумли а/в — 2 550 000 сўмга сотилди.
- </

Спорт



«ПРЕЗИДЕНТ — МУСТАҚИЛЛИК — КУРАШ!»

Аёнанага кўра, гиламга биринчи бўлиб бир вақтлар воҳада донг таратган, ҳозирда саксон ёшдан ошган Жўра полвон Нормунинов ҳамда Жума полвон Баратовлар чиқишди. Нуроний отахонлар дуоси билан бахшлар бошланди. Фахрий полвонлардан етмиш ёшли Абдурашид Мирзаев ва Шомурод Эгамбердиев ўзаро росмана кураш тушди. Шундан сўнг, мутлақ ғолибни аниқлаш учун чоғланган олтинш нафар курашчи бирин-кетин гиламга чиқа бошлади.

Қарийб тўрт соат давом этган саралаш беллашуларидан сўнг, турнир ярим финалчилари номи маълум бўлди. Ҳал қилувчи бахсга йўланма олиш учун эса қашқадарёлик Меҳридин Шоймуродов Давлат Чориевга қарши гиламга чиққан бўлса, тошкентлик Шухрат Муродов Ўткир Салёмов билан ўзаро куч синашди. Рақибларига нисбатан ҳар жиҳатдан тажрибали эканлигини намойиш этган Давлат Чориев ҳамда Ўткир Салёмовлар финал йўланмасини нақд қилди.

Финал. Ҳаяжонли лаҳзалар. Дастлаб самарқандлик курашчи бироз устунлик қилиб, иккита «чала» баҳосини олган бўлса-да, беллашувнинг авж палласида

(Давоми. Боши 1-бетда)



сурхондарёлик полвон ташаббусни ўзига бўйсундириди. Натижада Давлат Чориев рақибига нисбатан абжирроқ ҳаракат қилиб, аввалига «ёнбош», сўнгра «халол» баҳоланган усуллари эвазига соф ғалаба қозонди.

Соҳибқирон Амир Темури хотирасига бағишлаб уюштирилган турнир якунида ғолиб Давлат Чориевга Президент соврини — «Нексия» автомашинаси қилти топширилди. Ўткир Салёмовга туя, учинчи ўрин соҳиблари Меҳридин Шоймуродовга от, Шухрат Муродовга эса телевизор берилди. Кун бўйи давом этган белла-

шувларни томошабинлар мароқ билан томоша қилишди. Уйингоҳ узра бир хабар эълон қилинди: Косон туманидаги Қарлуқ қишлоғида бўладиган тўй курашига барча полвонлар тақлиф этилади!

Қаранг, бир мусобақа тугатилганда иккинчиси бошланаяпти. Демак, кураш давом этади, юксалиб бораверади.

(Ўз муҳбиримиз) Суратларда: мусобақадан лавҳалар. Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар

ГАЗЕТАЛАРНИ СУДГА БЕРДИ

Гап шундаки, мазкур газеталарда гўёки таниқли футболчи тунги клубда жанжал чиқариб, қайлиғи Колин Маклафлин юзига тарсаки тортиб юборди, деб ёзишган. Руни эса бу ҳаммаси журналистларнинг уйдирмаси эканлигини баён қилди ва суд футболчи келтирган далиллар тўғриси эканлигини тасдиқлади. Борди-ю суд қарори бўйича сармоя ундирилган бўлса, Руни бу маблағларни хайрига жамғармасига ўтказиш ниятида. Шундай қилиб ҳар иккала газета жарима тўлаш баробарида ўз саҳифаларида ҳақиқатан ҳам футболчи ҳақида ёзилган хабарлар нотўғри эканини баён қилишга мажбур бўлиб, футболчиға бўлажак жаҳон чемпионатида омад тилашди.



Сўнгра берсам дея тарбия Чора излаб хаёлга ботди. Ваҳийларим ҳис этсин дея Эшитишга сезги уйғотди.

Бугуннинг гапи

«ПАРРАНДА ГРИППИ»

РЕСПУБЛИКАМИЗГА ХАВФ СОЛМАЯПТИМИ?

Ўлкамизда баҳор. Турли юртлардан худудимизга қушлар учиб келмоқда. Дунёни «парранда гриппи» касаллиги ларага солиб турган бир пайтда қушлар миграцияси республикамиз учун ҳам анча-мунча муаммоларни юзага келтириши мумкин. Қуйида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика давлат санитария эпидемиология назорат маркази бош шифокори Санъат ШОУМАРОВ билан шу ҳақда сўхбатлашдик.

— Аввало, «парранда гриппи»нинг тарихи ва жўроғий тарқалиши ҳақида қисқача тўхталсангиз? Мазкур касалликнинг одамларга юқиши қанондан бошлаб қузатилган?

— Грипп инсониятга жуда қадимдан маълум бўлган юқумли касалликлардан ҳисобланади. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларигача рус врачлари Н.Скандовский гриппни «инфлюэнца» дея атаган бўлса, кейинчалик С.Вольский «грипп» атамасини қўллаган. Грипп немисча «grippe» сўзидан олинган бўлиб, «ёпишман», «қуршаб оламан», «ҳужум қиламан» деган маъноларни билдиради.

Ҳозирги кунда Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) экспертларининг тавсиясига кўра, бу касалликни номлаш учун «грипп» халқроқ атамаси киритилган.

«Парранда гриппи» вируси (А) асосан паррандаларда, шунингдек, одамда ва айрим хайвонларда учрайди. Уй паррандаларида касаллик жараёни оғир кечиб, ўлим даражаси деярли 100 фоизни ташкил этади. Жумладан, паррандачилик фермасида бир парранда ўткир вирусли юқумли касалликка чалинган бўлса, демак, бошқа парранда-

ларга ҳам вирус юқиби, уларнинг ҳаммаси қирилиб кетиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Илк бор «парранда гриппи» вирусининг одамга юққанлиги 1997 йил Санганда аниқланган. Бу вирус 18 кишига юқиби, улардан 6 нафари (33,3 фоизи)нинг ўлими қайд этилган. Грипп вирусининг паррандадан одамга юқиши маълум бўлса-да, аммо касаллик одамдан одамга юқиши ҳали қайд этилмаган.

Ёввойи қушларнинг жанубдан шимолга кўчадиган вақти баҳор фаслига тўғри келади. Маълумки, ушбу йўналиш бизнинг худудимизни ҳам четлаб ўтмайди. Мазкур вирус бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга тарқалишининг асосий сабаби ёввойи ўрдақ, ғоз ва бошқа турдаги қушларнинг кўчиб юришидир. Касалланган қушлар овқатланиш жараёнида вирусни бошқаларига ҳам юқтиради. Чунки вирус асосан қушлар ичағида бўлади. Уни муҳитга сўлағи, ахлати ҳамда нафас йўлларида чиқадиган шиллиқлар орқали тарқатади.

Одамларга «парранда гриппи» паррандалар билан «мулоқот» жараёнида, юқори нафас йўллари орқали юқиши олимлар томонидан аниқланган. Шунингдек, парранда махсулотларини

истеъмол қилиш натижасида оғиз орқали ўтиши мумкин, деган таҳминлар ҳам йўқ эмас. Бироқ парранда махсулотлари яхшилаб қайнатилган ёки қовурилган вақтида, махсулотга термик ишлов берилганда улардаги вирус тўқил ноқуд бўлади.

— Айтингчи, бу грипп инсонда қандай касаллик аломатларини юзага келтиради? Ва ундан сақланиш хусусида тўхталиб ўтсангиз.

— Одамда гриппнинг яширин даври бир неча соатдан 2-4 кунгача давом этади. Касаллик тана хароратининг кўтарилиши (38°C ва ундан юқори), хансираш ва йўтал билан бошланади. «Парранда гриппи» билан оғриган бемор даволаниб соғайган тақдирда ҳам вирус одам организмиде мутацияга учрайди ва оғир асоратлар қолдиради.

— Бугунги кунга қадар бизнинг худудимизда «парранда гриппи»га чалинган бирорта парранда ёки одам аниқландими? Ва ёввойи қушлар кўниб ўтадиган кўзлар атрофи қандай назорат қилинмоқда?

— Вирус бугунги кунда дунёнинг 42 та мамлакатиде қайд этилган. Демак, хавф анча жиддий. Шунинг учун шу йил 9 январь куни Вазирлар Маҳкамасида эпидемияга қарши фақуллода комиссия йиғилиши бўлиб ўтди. Унда касаллик кириб келишининг олдини олиш масаласи кўриб чиқилди. Ҳозиргача олинган маълумотларга қараганда, республикамиз



Зиёвуддин МАНСУР

КАЪБАДАЙ МУБОРАК ҚАДАМЖО

Ватан

Бўлса гар Ҳақ ҳукми рағбати, Йўқликда ҳам борлиқ бўёдидир. Қаерга Тангрининг раҳмати Ёғилса ўша жой ободдир.

Қаерга Ҳақ меҳри тушса бир, Шу юртда нақ жаннат юз очгай. Шу юртда ҳамшиша жаҳонгир, Султонун азизлар кўз очгай.

Ҳеч жой бу тупроққа келмас тенг, Ризқ балқир унинг пок жисмидан, Чунки у яралган оламнинг Худода энг яқин қисмидан.

Қай эли сийласа Яратган Оди бир шоҳ билан қўллагай. У элу улусни дафъатан Улуғвор ишларга йўллагай.

Тилсимлар шу юртдан олиб жой, Гўзаллик уни тарк этолмас. Кундузи қуёшу, тундо ой Зар сочиб бошидан кетолмас.

Даф бўлур машаққат голлари, Унга терс гоялар эрур пуч. Бахтига кўз тиккан ёвлари Оллоҳнинг қаҳрига келар дуч.

Бу ҳилқат, бу қисмат, бу ҳикмат — Сенга хос арқони маҳзиман, Дунёда энг ноёб — серхислат Узингсан, эй она масканим!

Ватаним! Сендаги чўпу хас Мисоли кўзимга тўтиёй, Сенсан, мен учун энг муқаддас Каъбадай муборак қадамжо!

Ноёб кашфиёт

Одамзотни яратган Эгам Жон ҳам ато этгандан кейин, Дастлаб равшан бўлсин деб олам, Берди унга кўрши сезгисин.

Сўнгра берсам дея тарбия Чора излаб хаёлга ботди. Ваҳийларим ҳис этсин дея Эшитишга сезги уйғотди.

Кўрган-эшитгандан сўнг эса, Эгам яна бир камлик сезди. Англасин деб нимани эса, Таъм билишга уйғотди сези.

Сўнг борлиқни қодир Оламгир Хушбўй ҳаво билан чошлади. Одамзот бу хушбўй муаттар Ҳидларни ҳам сеза бошлади.

Мана, энди бўлди деб дуруст, Тарқаб кетди қанча чала зот. Ҳовлиққанлар билмасди, афсус, Қолганди бир ноёб кашфиёт.

Бу кашфиёт кашфиётларнинг Ичиде энг эзгуси эди, Яъни ҳаёт ва дунёни кенг Идрок этиш сезгисиди эди.

Келди ўша кашфиёт гали, Уни фақат олганлар олди. Яъни сабури қаноат эли — Тарқаб кетмай қолганлар олди.

Бугун кимки соҳиби меҳнат, Аҳли илм, аҳли ижоддир. Ўша улуг аҳли қаноат Қаёмга чин ворис-авлоддир.

Қолганлар-чи? — Инсонлармиз деб, Сафарда ғоз тураверади — Фақат кўриб, тинглаб, ҳидлаб, еб, Идрок этмай юраверади...

Зиёвуддин МАНСУР



Мулоҳаза

БОЛАЛИКНИНГ ДУНЁСИ БЕГУБОР

Ёшлигимдан оилада тўнғич фарзанд бўлганим учунми кўпроқ укаларим билан бирга бўлардим. Кино кўриб, бирга ўйнардим. Ҳозир талаба бўлганим боис уйдан узоқдан, таътилгача уларни соғиниб қоламан.

Яқинда яна Наманганга бордим, оиламиз, укаларим билан мириқиб дам олдим. Одатдагидай укаларим билан мультфильм томоша қилдик. Лекин бир ўй менга тинчлик бермай қўйди. Мультфильмдаги «жангари салбий қаҳрамон» рақибларини ваҳшийларча қира бошлади, чўчиб экрандан кўзимни олиб укаларимга қарадим. Энг кичиги «қаҳрамон»га: «ўлдир, э, лаллаймай отсанг-чи, урра, ана қириб ташлади-я...» деб кўзларидан ўт чакнаб экранга қараб бақирарди...

Уйлаб қолдим, қизиқ, нега улар бундай бағритошликка кўникиб, дийдалари қотиб борапти. Ахир яқиндагина қушнинг битта поллопи инидан йўқилиб, қаноти майиб бўлганда укаларим кўзидан ёш тўкиб телпака солиб, «папалаб» парвариш қилган эдик-ку?

Кези келганда, мулоҳазамни айтиб ўтмоқчиман. Болаликнинг дунёси қоғоздай оппоқ, бегубор, унга бугун нимани ёзсақ, эртага шунинг мевасини оламиз. Наҳоти бугун болалар мазза қилиб кўраётган, хоржий жангариларни, ёвузликни тарғиб қилаётган мультфильмлар эртага уларнинг онгини, мурғакхана қалбларини эгаллаб, дийдасини қотириб, бемехрликка ўргатиб қўйиши мумкинлигини била туриб, лоқайдлик кўрсатсақ.

Тўғри, замон, давр ўзгарди, мультфильмлар орасида замонавий, болалар дидаги моллари ҳам кўп. Аммо уларнинг баъзилари боланинг тафаккур дунёсини бойитиш ўрнига, шоу-бизнес мақсадида яратилаётгани ҳам сир эмас. Мен билган ҳақиқат эса замонлар, одамлар ўзгарсам болаларнинг ички дунёси ўша-ўша, ишонувчан, содда оламийгича сақланиб турибди. Фильмлар уларнинг шу бегубор оламини соғлиғича асраб, комиллик сари етаклашни жуда-жуда истардим.

Гулбаҳор ҚОБУЛОВА, ЎзДЖТУ талабаси

Чирчиқ шаҳар Аранча постёкасидаги бир ҳовлида жойлашган барча қулайликларга эга 2 та уй СОТИЛАДИ Нархи қиммат. Телефонлар: 8-(271) 3-18-44, 5-09-23. Кеч соат 18⁰⁰ дан сўнг кўнироқ қилинг.

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки раҳбарияти ва жамоаси банкнинг марказий идораси бошқарма бошлиғи Ҳасанжон Ашуровга падари бузрук-вори ТИЛОВКУЛ ОТАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Farroh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistona»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPIBERGENOV
Muslihidin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Zayniddin MAMADALIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat ta'biriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 650
11276 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O'za yakuni — 21.00
Topshirish vaqti — 23.00
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda